ШУ КЎҲНА ЗАМИНДА ТУҒИЛИШ, ЯШАШ - БАХТ!

ХИВА ТОНГИ

2022 ЙИЛ - ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Газета 1931 йил 7 ноябрдан чиқа бошлаган

2022 йил 20 январь №2 (8638) – пайшанба

E-mail: info@xivatongi.uz
www.xivatongi.uz

Президент қарорлари - ҳаётда ва назоратда!

ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Шаҳарва туманимизда ҳам 2022 йил 11 январь-санасидан жами 55 та ММҲда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ҳоким ёрдамчилари раҳбарлигида ишлар бошланиб кетди.

Давлат раҳбарининг 2021 йил 3 декабрдаги "Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Фармони билан янгича тизим йўлга қўйилди.

Ҳоким ёрдамчиларига тайинланган шахсларнинг аввалги иш жойидаги лавозими ёки иш муддати сақлаб қолинади ва бу даврда ушбу лавозимига бошқа шахслар муддатли меҳнат шартномаси асосида вақтинча ишга қабул қилинади.

"Хива тонги".

УЙМА-УЙ ЮРИБ ТУШУНТИРИЛМОҚДА

Хива шаҳар меҳнат бўлими оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ишбилармонлари Президентимизнинг 2019 йил 24 октябрдаги "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришни кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида", 2019 йил 7 мартдаги "Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш учун тижорат банклари ҳамда барча иқтисодий комплекслар билан ҳамкорликда тарғибот ишларини амалга оширмоқдалар. Шунингдек, бўлим томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган тақдимот материаллари, буклет, флаер ва брошюралар тайёрланиб аҳолининг, ҳусусан, кам таъминланган хонадонлар ва тадбиркорларга уйма-уй юриб, тушунтирилиб орқали тарқатилмоқда.

ДИЛШАНОВ,
Хива шаҳар меҳнат бўлими мудири.

Коронавирусга қарши эмлаш пандемияни жиловлашга ёрдам беради. Вакциналар иммунитет тизимини мустаҳкамлаб, сизга юқиши мумкин бўлган вирусларга қарши курашишда иштирок этади. Биз эмлаш орқали нафақат ўзимизни, балки атрофимиздагиларни ҳам ҳимоя қиламиз.

Вакцинация самарали ҳимоя воситаси

"БУСТЕР" ДОЗА БИЛАН ЭМЛАШ БОШЛАНДИ

Вакцина микробнинг заифлаштан зарарсиз бўлаги бўлиб, танангизни табиий иммунитети билан биргаликда касалликни юқиш хавфини камайтиради. Вакцина танангизга юборилгандан кейин иммунитет тизимимиз танага кирган микробни аниқлайди ва бу микробга қарши курашиш учун антитана-лар ишлаб чиқариб, у билан қандай курашиш кераклигини эслаб қолади.

Агар келгусида ушбу микроб таъсирига яна дуч келсангиз иммунитет тизимимиз уни қандай йўқ қилишни биларкан ва сизда касаллик намоён бўлмайди. Касаллик пайдо бўлганидан кейин уни даволашдан кўра, эмлаш орқали касалликларни олдини олиш мақсадга мувофиқдир.

Ўтган йилнинг 17 ноябрдан бошлаб эмлашнинг тўлиқ вакциналарини олган фуқароларни "бустер" доза билан ихтиёрий эмлаш ишлари бошланди. "Бустер" доза – тўлиқ эмланган фуқароларнинг касалликка қарши иммунитетини мустаҳкамлаш мақсадида яна қайтадан сладиган вакцина дозаларидир.

Эмланганига олти ой ва ундан юқори вақт ўтганидан кейин "бустер" доза билан эмлаш мақсадга мувофиқдир. Эмлаш пунктида бустер дозани вакцинанинг ҳар қандай туридан фойдаланган ҳолда олиш мумкин.

Бугунги кунда вакцинация ишларини амалга ошириш учун туманда малакали мутахассислардан иборат штаб тузилган бўлиб, жами 10 та эмлаш пункти ташкил қилинган.

З.УМИРОВА,
Хива туман СЭО ва ЖСҲБ врач-эпидемиологи.

МАЪНАВИЯТ ЗИЁСИНИ ТАРАТУВЧИЛАР

Маълумот бу ҳар бир инсоннинг асл қиёфаси, ўзлигини акс эттирувчи кўзгудир. Маънавият эҳёсини тарғиб қилиш бу албатта, ёзувчи-шоирлар, публицистлар-лигина, ўқитувчи-ю олиму фузалолардир.

Шу маънода, 2021 йил 26 мартда Давлат раҳбарининг "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан, халқ таълими тизимидаги барча умумтаълим мактабларида миллий-маданий масалалар бўйича

тарибчича давлатимиз жорий этилган эди.

Хўш, бу борада Хива шаҳридаги мактабларда тарғиботчилар фаолияти қандай йўлга қўйилган ва улар самарадорлик даражаси қай даражада? Яқинда Ёшлар ИДУМда Республика Маънавият ва маърифат марказ Хива шаҳар бўлимлари, халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда миллий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар учун ўқув-амалий семинарда бу саволга атрофлича жавоб топилди. Унда тарғиботчилар ушбу даврда фаолият олиб борадиган тарғибот-ташвиқот ишларини режалаштириш, уларнинг кобилият ва истеъдодларини намоён этишларида қўлланган тавсия ва кўникмалари ўрганилди.

Бепосита семинарда иштирок этган тарғиботчиларга нисбатан ўқувчиларни тез-тез ижод мактабига олиб бориб, ҳамкорликда учрашувлар ташкил этиш тавсифи янгри сўрилди.

Кенг фикр-мулоҳаза ва ўзаро тажриба алмашишлардан сўнг, Оққоп ижод мактаби директори Сарварбек Абдуллаев, устозимиз шоирлар Отабек Исмоилов, Расимбой Каримов, Ҳамидбек Матёқубов ва Дилдорхон Машарипованинг ижод намуналаридан ўқиб ташриф-лари. Ўзига хос мушоирага айланган давралар мактаб "Ўзбекча курашлар" тўгараги аъзолари Розияхон Раҳимбекова, Гулзайе Зиёдова, Гулирухсор Шамшидинлар ўз шеърларини ижро этиб кетишди.

Л.ОТАЖОНОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази Хива шаҳар бўлимчаси раҳбари.

Сана

ПОСБОНИМАН МУҚАДДАС ЮРТИМНИНГ

Ҳар йили шаҳримиздаги кўркам хиёбонларда бири "Фидойи қаҳрамонларга - миннатдор авлодларди!" ёдгорлик мажмуасида пионер саналарга бағишлаб, анвойи гуллар қўйиш тантаналн митинглар ўтказилиб анъанага айланган 14 январь - Ватан ҳимоячилари куни ҳам ҳудди шу анъанада давом эттирилди.

Давлат мудофаа, Ички ишлар, Миллий гвардия тизими ходимлари, хизматчилик вазифаларини Ватан олдидаги йўлида фидойилик кўрсатган жаҳд, жасур ота-боболаримизнинг табаррук номларини эсга олдилар.

Суратда: ёдгорлик мажмуасида гулчамбарлар қўйиш тантанаси.

Азамат Самбиназаров олган сурат.

AHOLINI RO'YXATGA OLISH 2021

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ НИМАНИ КЎРСАТАДИ?!

Президентимизнинг 2020 йил 16 мартда қабул қилинган "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 5 боб, 31 моддадан иборат бўлиб, унда аҳолини рўйхатга олишнинг принциплари ва принциплари ёритилган.

Улар қуйидагилардан иборат:

ошкоралик; умумийлик ва бир пайтдалик; рўйхатга олишнинг яхлит тартибда-лиги; шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги; аҳолини рўйхатга олишда бошқаришнинг марказлаштирилганлиги.

Фаолият

Қонунда респондент тушунчасига ҳам аниқлик киритилган, яъни улар – аҳолини рўйхатга олиш саналарда Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаросиз бўлмаган шахслар ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси доимий яшаш ҳамда вақтинча рўйхатга олиш саналарда умид ҳудудларда бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳам респондент ҳисобланади.

Шукрат БОБОЖОНОВ,
туман статистика бўлими бошлиғи.
Мингер РАҲИМОВ,
шаҳар статистика бўлими бош мутахассиси.